



Ўзбекистан Миллий ахборот агентлиги - УзА

Илм-фан булими (электрон журнал)

2025 йил сентябрь

Тошкент - 2025

**УЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТ ЛИГИ - УЗА
ИЛМ-ФАН БУЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

Илмий нашр

2025 йил сентябрь охи сони

Узбекистан Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги ОАК
Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб кайтарилмайди,
журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар УЗА Илм-фан
булими (электрон журнал)дан олинди, деб қурсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft
Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида
қабул қилинади.

Тахрир кенгаши

А.Кучимов	Б.А.Назаров
Т.Мирзаев	А.Асқаров
А.С.Сагдуллаев	Д.Ю.Юсупова
С.С.Ғ уломов	А.Х.Саидов
Ф.Ғ.Назиров	Т.У.Арипова
Р.Д.Курбанов	Қ.Р.Аллаев
МД-Рустамбоев	С.М.Туробжонов
Ш.Т.Қудратхужаев	И.С.Саифназаров
Н. А. Ху санов	Ғ.А.Мардонова

**Манзилими: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кучаси 42-уй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71**

МУНДАРИЖА

УзА Илм-фан булими (электрон журнал)

2025 йил сентябрь сони

Иновацион 20 ял ар ва ишлаималар

Б.Н.КАРИМОВ. Абдулла Қодирий асарлари юзасидан хориж олимларининг тахдиллари..... 5-15

Иқтисод

З.Р.СОДИКОВ. Миллий иқтисодиётнинг янгиланиши ва узига

хос жикатлари16-27

М.Н.УМУРЗАКОВА. Ақолини ижтимоий химоя килиш тизимида тиббий суғуртанинг зарурлиги28-44

Юридик

И.Б.ДЖУРАЕВ. Олий таълим муассасаларида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг таълим сифатини таъминлашдаги ахамияти45-53

Т.Р.КУЧКАРОВ. Мажбурий жамоат ишлари жазосининг халқаро х,укук нормаларига мувофиқлиги.....54-63

Филология

И.Р.ЭРМАТОВ. Терминологияда эквоним **ва** эквонимия муносабатлари.64-71 **О.Ж.ҚАМРОЕВА.** Воҳид Табризийнинг “Жамъи мухтасар”

асари тадқиқи 72-81

У.Я.ҚУЗИЕВ. “Девону луготит турк”да узлашма сузлар 82-89

М.Н.ТАЙЛАНОВА. Узбекча-корейсча халқ эртаклари таржимасида миллий характер ва персонаж нутқи ифодасининг ухшаш ва фарқди жикатлари.....90-100

О.Р.ХУДАЙБЕРДИЕВА. Олмошларда бадий услубнинг акс этиши..102-109 **П.ОМОНОВА.** Замонавий ахборот оламида факт-чекнинг платформаларининг

ахамияти 110-117

А.У.УМУРЗАКОВА. Араб тилида “Када ва ахаватуха” (JLS) ноқис феъллари118-132

Д.А.РУСТАМОВА. Асқад Мухторнинг тарихий образ яратиш

махорати 133-141

Н.Р.ОМОНТУРДИЕВ. Этнографик лексикотрафия тадқиқига дойр.... 142-152

**УЗБЕКЧА-КОРЕИСЧА ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ ТАРЖИМАСИДА
МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР ВА ПЕРСОНАЖ НУТҚИ ИФОДАСИНИНГ
УХШАШ ВА ФАРҚЛИ ЖИХДТЛАРИ**

Муқаддасхон Назарбой қизи ТАЙЛАНОВА

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Узбекистан

Muqaddas-93@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада узбекча-коре йена эртақлар таржимасида персонаж нутқининг берилиши қамда уларда учрайдиган фарқли ва ухшаш жихатлар ёритилган.

Таянч сузлар: оламнинг лисоний манзараси, эртақ, қахрамон портрети, персонаж нутқи.

**СХОДСТВА И РАЗЛИЧИЯ В ВЫРАЖЕНИИ НАЦИОНАЛЬНОГО
ХАРАКТЕРА И ХАРАКТЕРНОЙ РЕЧИ В ПЕРЕВОДЕ УЗБЕКСКО-
КОРЕЙСКИХ НАРОДНЫХ СКАЗОК**

Муқаддасхон Назарбой қизи ТАЙЛАНОВА

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

Muqaddas-93@mail.ru

Аннотация

В этой статье рассказывается о переводе узбекско-корейских сказок, а также о сходствах и различиях между ними.

Ключевые слова: языковая картина мира, сказка, портрет героя, характерная речь.

Бугунги кунда олам лисоний манзарасини урганиш буйича таржимашунослик ва таржима адабиётида улкан ютуқларни қўлга киритиб келган моқир таржимонларнинг урни беқийсдир. Жумладан, Ф.Де Ссоюр лингвистик белгининг икки томонлама моқиятга эга эканлигини, у ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабатидан ташкил топган бутунлик эканлигини курсатиб берди. Бу борада амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ичида Н.Махмудов, Э.Очилов, Х.Дамидов, каби тадқиқотчиларнинг илмий кузатишлари лингвистик назарияни урганишда муҳим аҳамиятга эга.

XXI аср лингвистикаси тилни миллатнинг маданий коди сифатида, бизларга халқнинг нафақат замонавий онги, балки қадимги одамларнинг оламга, жамиятга ва узларига булган қарашларини тушуниб англаш имконини очиб берадиган йул сифатидаги йуналишини фаол равишда ишлаб чиқмоқда. Оламга оид ахборотларнинг аксарияти одамга тил орқали келади, шу боис одам кўпроқ предметлар ва буюмлар дунёсида эмас, балки узи томонидан яратилган концептлар оламида яшайди [4;81].

Х,озирги кунда Жанубий Кореянинг Ўзбекистан билан маданий алоқалари ривожланиб бормоқда. Иккала мамлакатнинг маданий жихатдан ухшашликлари кўп. Корейс тилига таржима қилинаётган ўзбек насри ҳам чет эллик китобхонлар кўнгилдан жой олмоқда. “Қадим замонлардан бошлаб ҳозирги кўнгача таржимонлар гоят муҳим вазифага доим қамарбаста. Улар маданиятларни бир-бирига боғлашдек қўтлуғ мақсадга хизмат қиладилар ҳамда халқларнинг маънавий тарафдан бир-бирини бойитишлари эвазига цивилизация юксалади. Мустақиллик йилларидан таржимашунослик соҳасига эътибор кўчайди ва шу кўнгача бир нечта таржималар олам юзини кўрди.

Ушбу мақоладан кузланган мақсад корейс ва узбек эртақларининг қиёсий таҳдили ва умум миллий кадриятларни урганиш, эртақлар таржима хусусиятлари, миллийлик, персонаж нутқи хусусиятларини таҳдил қилиш. Мазкур мақсадни амалга оширишда миллий характернинг фарқди ва ухшаш жихатлари, халқ оғзаки ижодига хос сузлар, иборалар, эртақ бошламалари, яқунланишлари, миллий қахрамон портрета, шунингдек, эртақ таржималари жараёнидаги учрайдиган қийинчиликларни бартараф этиш усулларини ишлаб чиқиш каби вазифалар назарда тутилган.

Корейсча эртақларда фақатгина эртақларга хос булган шакл, ибтидоий одамларнинг яшаш тарзи, уларнинг дунё ҳақидаги содда фикрлари, урф-одатлари ва эътиқодларининг келиб чиқиши акс эттирилган. Шу билан бирга, эртақлардаги тасвирлар ва мавзулар фантастик элементлар билан ҳам бойитилган.

В.Белинский айтганидек, корейс эртақлари мамлакат ҳаёти ва урф-одатларини урганиш учун бебаҳо манба. Чунки унда халқ руҳи яшайди. Уларда купинча Корея тарихи, қадимги уч киролик "Чосон", "Когурё", "Силла" асосчилари ва аجدодлари ҳақида маълумотлар берилган. Шу билан бирга, корейс халқ оғзаки ижодида ҳукмдорлар ҳам тарихий, ҳам афсонавий шунингдек, миллий қахрамонлар сифатида тасвирланган.

Оламнинг лисоний манзараси махсус олам манзаралари (кимёвий, физикавий ва бошқалар) билан бир қаторда турмайди. Оламнинг лисоний манзараси улардан олдин булиб, мазкур манзараларни шакллантиради, чунки инсон тил туфайлигина оламни ва узини англаш қобилиятига эта. Тилнинг

узига хослигига кура унинг сохиблари онгида муайян оламнинг лисоний манзараси пайдо булади, чунки инсон тил призмаси оркали дунёни куради [5]. Персонаж нутки - бадий асар қахрамонларининг узига хос гапириш усули. У хар бир қахрамоннинг жамиятдаги мавқеи, касб-кори, саводхонлик даражасига боғлиқ равишда шаклланади. Жонли тилга, шевага хос унсурлар куп булади, адабий тилдан фарқданиб, баъзи сузларни бузиб талаффуз килиш холлари учрайди. Асл нусхада уз аксини топган бу сузлашув услуби таржимада хам имкон кадар уз аксини топиши керак. Таржима жараёнида адабий тилга мослаш улар нуткининг табиийлигини йукка чикаради [6;265].

Корейс халқининг орзу-ниятлари ва шодлиги "Жансу" образида мужассамлашган {"Қахрамоннинг қонли куз ёшлари", "Қахрамон кули"} [8;383]. Узбек халқ эртақларида эса ёш йигит образи халоскор, инсонпарвар, халқ қайғуси билан яшайдиган жонкуяр қахрамондир ("Уч оғайни ботирлар"). Бу образнинг келиб чикиши тугрисида фольклоршунослар турлича фикр билдиришган. Масалан, М.Афзаловнинг ёзишича «инсон бошига оғир ишлар тушганда, турмуш азоблари натижасида эзилганда, узига хамрох, рахнамо ахтарган. Зулматдан, қийин, оғир кунлардан қутулиб, ёруғлик ва яхши кунларга эришишни орзу қилган» [1;49]. Олим химий образининг муайян хаётий асосларга эгаллиги ва исломдан олдинги мифология билан боғлиқлигини тугри курсатган.

Сехрли-фантастик эртақларда эса асосий воқеа хаёлий уйдирмалар шаклида намоён булади. Бу типдаги ижод намуналари мазмун-мохиятига кура икки йуналишга эга: Биринчиси, оилавий шарт-шароит билан боғлиқ холда юзага келиб бунда угайлик мотиви хал қилувчи рол уйнайди: "Ёрилтош", "Опа-ука", "Опа-сингил", "Олтин бешик", "Шокир ва Шакар", "Зумрад билан Қиммат" эртақлари шундай характерга эга. Чунончи, «Зумрад билан Қиммат» эртагига эътибор қилайлик: «Бир куни кампир Зумрадни ёмонлаб чолга дух урибди. Қизинг беодоб, ишёкмас, уни қайдаб юбор, булмаса, сен билан бир нафас хам бирга турмайман».

Дунёнинг бошқа халклари сингари корейслар орасида ёвуз угай она образи акс этган эртаклар жуда машхур, жумладан "Атиргул ва нилуфар гул (лотус)" [8;383] эртаги. Узбек халқ эртаклари орасида эса "Зумрад ва Қиммат" эртаги ушбу эртакка муқобилдир.

“Тил илмига биринчилардан булиб, “оламнинг лисоний манзараси” тушунчасини олиб кирган Й.Л.Вайсгербер “хил у³ эгасига бошқа тиллардагидан фарқли булган дунёни умумий куриш тарзини ато этишини”, “она тили ва қар бир инсоннинг рухш шаклланиши узаро боғлиқлигини” ва шунинг учун қам тилшунослик тилларни халқлар маданиятининг кузгуси сифатида урганмоғи лозим” эканлигини уқтиради” [3;58]

Воқеалар ривожининг ухшаш жихатлари яққол куринадиган бу эртакларда угай она ва угай қиз уртасидаги муносабатлар, онанинг кизга тазйиқи ва сунгида эртакнинг эзгулик билан яқун топишини кузатиш мумкин.

Айнан ушбу эртакларда угай онанинг уз қилмишидан пушаймон булиши тасвирланади, лекин корейс халқ оғзаки ижоди намунаси “Атиргул ва Лотус” эртагида опа-сингиллар туғишган булади ва бир-бирини эъзозлайди, фақат угай онанинг зулми остида булиши баён етилади. “Зумрад ва Қиммат” эртагида эса опа-сингиллар бир-бирига угай булади қамда узаро хурмат мавжуд булмайди.

Маиший эртакларда, корейс ва узбек халклари хаёти ва интилишлари, қувонч ва қайғулари тасвирланган. Уларнинг қахрамонлари одатда, опций одамлардир. Улар мужизавий ҳолатлар ёки самовий афсоналар ёрдамида эмас, балки меҳнатсеварлик, ақл-заковат ва эпчиллик билан муваффақият қозонишади.

Қайвонлар тугрисидаги эртаклар бошқа халқларнинг эртакларига жуда ухшаш. Фақат улардаги хайвонлар фарқди тасвирланади, яъни бурининг урнини йулбарс эгаллайди чунки йулбарс мардлик тимсоли ҳдсобланади. Демак, корейс эртакларининг қахрамонлари - оддий одам, дехдон, балиқчи, халоскор қахрамон ҳдсобланади.

Корейс эртақларида мард қахрамон "Ким Сеон Дал" булса, узбек эртақларида купинча оддий йигит тасвирланади. Ким Сеон Дал 19 аср корейс фольклоридаги образ булиб, у хамиша инсонларга ёрдам берадиган хотамтой хисобланади. Адолат учун курашувчи, халқни туғри йулга бошлашга ундовчи қахрамон. Бу образ юмористик кайфиятда ҳам берилиб, худди Насриддин Афанди образига ухшаб кетади.

Корейсча эртақлар худди узбекча эртақлар сингари куйидагм шаклда тасвирланади: кириш қисми, воқеалар ривож ва ибратли хулосадан иборат. Улар дархол вақт, жой ёки эртақ қахрамонини аниқлаш билан бошланади. Таржимаси: Қадим замонда Сомон исмли бир киши аёли билан яшаган экан.

Узбек эртақларида эса «Бир бор экан, бир йук экан, бир подшоҳ (ёки чупон) булган экан», «Сизга боғ булсин, бизга хаёт» каби қисқагина бошламалар билан бошланса, баъзи бошламалар анча узун булади. Масалан, «Эртағие эртағи, эчкиларнинг буртағи, қирғовул қизил экан, куйруғи узун экан, кук музга минган экан, мурути синган экан, гоз карнайчи экан, урдак сурнайчи экан, ола карға азончи, кора карға қозончи, чумчук чакимчи экан, тургай тукимчи экан, бури баковул экан, тулки ясовул экан, эртағимнинг эри бор, етти кунлик ери бор, етти кунлик ерида думи калта бури бор. Бир бор экан, бир йук экан...». Энг кизиқарлиси, ҳаракат бир неча ой ёки хатто йилларга чузилиши мумкин.

Куришиб турибдики, узбек халқ эртақларида кириш қисми айрим холлардагина эртақ бошламасига уланса, айрим холларда узича мустақил холда қолаверади. Эртақда бошлама сюжет чизигида доимий элемент хисобланса-да, сюжет ривожига алоқадор эмас, балки ҳаракатниш ташкил топишига туртки бермайди. У қахрамонлар ҳақида маълумот беради. Сюжет чизигида содир буладиган воқеа-ходисаларнинг қайси замон ва маконда кечажагидан хабар беради. Бошланма сюжет йуналишида ноаниқлик ва

умумийлик касб этади. «Бор эканда, йук экан. Оч эканда, тук экан. Қадим замонда бир подшо утган экан» каби.

Ёки, яна бир мисол:

“Бир бор экан бир йук экан, утган замонда бир декқон булган экан” [2;242], Бу ерда таржима сузма-суз амалга оширилиб, маъно бузилмаган. Лекин корейс эртақларида бундай кириш қисми мавжуд эмас.

Бошланмаларда қар гал бир-бирини инкор этувчи воқеалар ифода этилади. Уларда воқеа ва ходисаларнинг булиб утган урни билдирилмайди ҳамда номи айтилмайди, уларда ноаниклик хукмронлик килади: «Бир шақар, бир мамлакат» деб таъкидланади, холос. “Қадим замонда бир подшо утган экан” [2;234].

Корейс эртақларига хос таржима қилиниб, ушбу кириш услуби икки халқ эртақларига мос тушади.

Корейс тилида эртақ бошланмалари юқоридаги каби оддий берилади. Уларда бирдан воқеалар ривожини бериш одатий ҳисобланади. Сехрли эртақлар бошланмаларида аксар қахрамонлар номи сир сақланиб, лакабигина изоҳланади: «Уч оғайни бор экан. Тунғичининг оти — Юлдуз санар, уртанчасининг оти - Даре боғлар, кенжасининг оти — Қилич кора экан» ёки «Утган замонда уч ака-ука ботирлар булиб, улар уз омадларини синаб куриш ниятида узок сафарга йулга чиқибдилар». Бундай ҳолатдаги бошланмалар эртақдаги воқеалар ривожининг тезлашишига ва кескинлашувига, зиддиятларнинг кучайишига замин ҳозирлайди.

Яна бир лисоний-этник узига хосликни корейсларда одам томонидан алданган "Аждахо" эртагида куриш мумкин: (мен ҳозиргача туқсон туққиз кишини едим).

Бу эртақда бир аёл тўқсон тўққиз кишини ейди ва боқийликка эришиш учун яна битта ейиши керак булади. Яъни махв этилганларнинг умумий сони 100 та булиши керак. 100 рақами бу эртақда тасодифан танланмаган. Корейс маданиятида бола туғилгандан кейин 100 кунни нишонлаш одати бор.

Агар бола 100 кундан ошиб яшаб кетса, умри узок булади, деб ишонишади ва бу корейслар учун муқим байрам. Эҳдимол, шундан булса керак эртақда қам 100 рақами боқийликка нишона булган.

Туйғуларни ва кучли иродани ифодалашга хизмат киладиган қушимчалар нафақат корейс эртақларида, балки нутқда хдм учрайди. Узбек халқ эртақларида эса «Қирк хужра бор, қужранинг қиркинчисига кирма», «Қилични бир силкитди, қилич қирк газ чузилибди», «Қирк кеча-ю қирк кундуз туй бериб, ошларини ошаб, ёшларини яшаб, мурод-мақсадларига етдилар». Бу узига хослик матнга ёрқинлик беради.

Сирли ёки дахдиатли қуринган табиат кучлари билан боғлиқ ҳ,олдаги эртақ: «Подшонинг қизи қирк қанизи билан бирга тилла тахтда утирар экан. Бир йулбарс келиб каттик укирибди, шунда ҳаммаёқ туман булиб кетибди. Туман тарқалгандан кейин қирк қанизак қараса, подшонинг қизи йўқ эмиш».

Узбек халқ эртақларида 40 сони эзгулик маъносида қулланилиб, мустақкам турмуш, тинчлик ва осойишталик рамзидир.

Узбек халқ эртақларидаги оби ҳаёт сувини ичиб тирилиш, сув суртилганда суқир қузнинг очилиши, сув сепганда сеҳрланиб қолиш, сувга тушганда бошқа одамга айланиш каби анъанавий мотивлар; никоҳ суви ичириш, арвоҳдарга қосада сув қуйиш, келин-қуёвга ширин сув ичириш каби удумлар, шунингдек, ёмгир чақириниш ва уни тухтатиш маросимлари; сувга тупурмаслик, бировнинг устига сув сепмаслик каби таъқиқлар; чашма, қудук ва қулларни муқаддаслаштириш анъанаси мифик қарашлар асосида келиб

Корейс халк эртакларида аёллар образи гаъсирли берилган. Айниқса “Тарк этилган малика” номли эртакда аёллар уР^{таси}Д^{аги} тазйиклар тасвирланган. Маълумки, корейс аёллари қадимда тахкирланган, ушбу эртакда “Бари” исмли киз хаёти орқали оила муносабатлари ифодаланади. Бу образ ушбу таъқиқдарга, тазйикларга чек қуяди ва аёллар шаънини қимоя қилади.

Ўзбек эртакларида эса аёл образи меқр-муқаббатли, садоқатли, химояга мухтож тарзда ёритилади. Аёлни химоя қилувчи мехнаткаш ва кумакдош садоқатли образлар мавжуд. Бу эса корейс эртакларидаги аёл образидан анча фарқ қилади. Айниқса, корейс эртакларида феминистик гоёлар жуда баланд булган. Шу сабабли, эртакларда аёллар образи уз хак-хуқуқдари учуй курашади.

Биринчиси воқеаларининг ривожини асосий зиддиятлар асосида булса, иккинчиси шу зиддиятларни бевосита очиб беради. Эртакларнинг охирида тугалланма келади ва улар эртакнинг якуний қисмини таърифлаб хамиша оптимистик руҳдаги интиқо сифатида халқнинг енгилмас руҳ ва қудратини намоёиш этади. Аксарият эртакларда анъанавий тарзда эртак қахрамонлари ёр излаб узга оламга, узга макон ва юртларга сафар қиладилар. Эпик қахрамон муайян шартни бажариш, маълум етишмовчиликни бартараф этиш, тушида курган ёки хабарини эшитган парини излаб топиш мақсадида сафарга чиққанида купинча уз ёрини узга юртдан топади. Бу мотивнинг муайян тарихий асослари мавжуд.

Эртакдаги қахрамоннинг йул юриши («сафар» мотиви), чашма олдида дам олиши (мифологик карашларга кура, чашма хаёт дарахтининг туби билан ассоциацияланса, эртак қахрамонларининг чашма буйқца дам олиш эпизодини эпик қахрамоннинг ер остида жойлашган узга маконга утиши мотивининг эпик куринишларидан бири деб қараш мумкин), болта билан тешанинг йуқолиши (эртакларда бирор нарса-буюм ёки маликанинг рақиб томонидан уғирланиши сифатида талқин этилувчи «етишмовчилик» мотивининг эпик трансформацияси), боланинг йуқолган буюмларни излаб кетиши ва топиб келиши (эпик қахрамоннинг узга оламга сафари ва уғирланган нарса, подшо шартни буйича талаб қилинган ғаройиб буюм ёки парини олиб келиши мотиви) каби эпизодлар ана шундай бадий элементлар сирасига киради.

Бундан ташкари бош қахрамоннинг қийинчилик куриши, йигит кишининг имконсиз шартларни бажариши, агар гузал қиз учун курашаётган булса, қизнинг отаси шартларини бажариши ҳамда эртақларнинг «Шу билан Аёз подшо булиб, узининг донолигидан халкни одиллик билан сураб, мамлакатда адолат урнатган экан» каби тугалланмалар билан яқунланади.

Тил қар бир миллат маданиятини акс эттирадиган узига хос ойнадир. Аник таржимани амалга ошириш учун тилга нафақат алоқа воситаси, балки ушбу тилда сузлашадиган давлатлар ва халқларнинг ижтимоий ва маданий хаётини урганиш талаб этилади.

Корейс ва узбек эртақларининг фарқли ва ухшаш жихатларига эътибор қаратилса куйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Корейс эртақларида шаклий жихатдан эртақ бошламалари ва тугалланмалари узбек эртақларидан туб дан фарқ килади. Корейслар ноодатий бошламалардан воз кечиб, воқеанинг жойи, қахрамон номи билан бошлашни афзал куришади. Аммо узбек халқ эртақларида қулланилган узига хос бошламалар воқеалар ривожига узгача рух беради.

2. Аёл образи берилишида ҳам фарқлар мавжуд булиб, узбек халқ эртақларида шаркона кайфият образлилик жихатидан ажралиб туради. Узбек халқ эртақларида аёл - лобар, нозик, меҳрибон, химояга мухтож, уз халоскорига эта образ сифатида намоён булади. Корейс халқ эртақларида эса феминизм гоёлари устувор, аёл уз қақ-хукуки учун курашади ва уз олдига куйган мақсадига кеч кимнинг ёрдамисиз эришади.

3. Узбек ва корейс халқларининг урф-одатлари бир-биридан кескин фарқ килади. Бунинг асосий сабабларидан бири диний эътиқоднинг турлича эканлиги. Қар бир одат асрлар давомида шаклланган фикрлар асосида юзага келиб, нумерология, оилавий муносабатлар, флора ва фаунанинг ухшаш ва фарқди жихатлари шулар жумласидандир.

Нумерологиянинг рамзий хусусиятлари икки халқда турлича ифодаланади: узбекларда 40 сони рамзий маънога эта булса, корейс халқида 100 сони тотувлик ва мустахкамликни ифодаланиши билан фарқланади.

Флора ва фаунада рамзий ифодаланиш турлича: икки халқ эртакларида “атиргул” гузаллик тимсоли булиб, аёл латофати ҳам шу гул орқали ифодаланган. Корейсларда яна “чиннигул” тинчлик рамзи сифатида ҳам берилди. Корейс халқ эртакларида йулбарс, аждахо, куён, узбек эртакларида эса бури, тулки, куён фаол образлар хисобланса, тошбақа, чаён, айиқ каби хайвонлар икки халқ эртакларида нисбатан нофаол хисобланади.

4. Икки халқ маданиятида фонетик жихатдан товушга таклид ҳам турлича. Хусусан, хайвонлар товушига таклид, атрофдаги турли буюмларга таклид фаркданади.

5. Корейс эртакларида теизим (илохиёт)нинг конфуцийлик ва буддавийликнинг таъсири уз аксини топган. Шу сабабли, роҳиб, авлиё образлари мардлик тимсоли хисобланади.

Икки халқ маданиятида ҳам ота-онага муҳаббат, эзгулик, яхшилик ақидалари устувордир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Afzalov M. O'zbek xalq ertaklari haqida [Uzbek fairy tales]. -Toshkent. 1964. -B. 49.
2. Mahmakulova Ya. Q., KimHyong Jon. 0|0[71 .[Uzbek fairy tales] “Oltin tarvuz ertagi” [Fairy tale: Golden watermelon] - Toshkent, Koica., 2014. B. 256
3. Махмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. - Тошкент: Мумтоз суз, 2017. -Б.58.
4. Маслова В. А. Лингвокультурология. -Москва: Академия, 2001. - С. 81.
5. Михайлов О.А. К вопросу о понятии языковой картине мира в лингвистике/ <http://www.km.ru/referats/336160-k-voprosu-o-ponyatii-vazykovov-kartinv-mira-v-lingvistike>
6. Ochilov E. Tarjimashunoslikning nazariy masalalari. [Theory of translation] -Toshkent. 2014. - B.265.

